

Ishonch

2020 йил 20 февраль • пайшанба • № 26 (4311)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон – Туркия: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Анқара, 19 февраль. ЎЗА махсус мухбири
Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2020 йил 19 февраль кунини ушбу мамлакатга ташриф буюрди.

«Эсонбуга» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия ҳукумати аъзолари, Анқара музофоти ва шаҳри раҳбарияти ҳамда бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Шавкат Мирзиёев хорижий ташрифлари чоғида албатта ўша мамлакатнинг табарруқ зиёратгоҳларида бўлиб, улуғ сиймолари хотирасига ҳурмат бажо келтиради. Туркияга бу галги ташриф ҳам ана шу эзгу аъна билан бошланди. Давлатимиз раҳбари Анқара шаҳрида Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Туркия Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк қабрига гулчамбар кўйди.

Турк халқининг ардоқли фарзанди, буюк давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк мангу ором топган маскан халқ учун жуда қадри. Йил давомида бу ердан зиёратчиларнинг қадами узмаймади.

Ушбу мажмуадаги музейда ўз мамлакатни озодлиги учун курашган сиёсатчининг ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб ашёлар сақланади, музей заллари узра Мустафо Камол нутқлари янграйди, тарихий кадрлар намойиш этилади. Бу зиёратчиларга ўша даврлар руҳини ҳис қилишига имкон беради.

Мустафо Камол Биринчи жаҳон урушидан кейин парчаланиб, қарамликда қолган мамлакатни озод этган. 1923 йили мустақиллик эълон қилиб, ҳозирги Туркия Республикасига асос солган. Мамлакатнинг бугунги тараққиётини белгилаб берган сиёсий, ижтимоий ва маданий ислохотларни амалга оширган. 1934 йилда мамлакат парламентида уни Отатурк деб аташ қонунийлаштирилган.

Давлатимиз раҳбари музей билан ҳам танишиди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолди.

Ташрифнинг асосий тadbирлари Туркия Республикаси Президенти саройида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доирада учрашув ўт-

казди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Туркияни муштарак тил ва тарих, ўхшаш маданият ва анъаналарга асосланган яқин дўстлик ва қардошлиқ муносабатлари бирлаштириб туради. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олгани ҳам ана шу қардошлиқнинг юксак ифодаси бўлган эди. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. 2017 йил октябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга илк давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтарилган Қўшма баёнот имзоланди.

Ўтган уч йилда алоқалар стратегик шериклик даражасига чиқди. Президентлар 7 марта учрашди. Олий даражадаги учрашув ва музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Бу икки мамлакат ишбилармон доиралари учун қўлай шароит яратиб, инвестиция муҳитини яхшилаш, қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга ошириш каби кўплаб йўналишларда ўз аксини топмоқда.

Ўтган йили сентябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг маъруз ташкилотга қўшилиши барча туркий мамлакатлар, аввало, Туркия Республикаси қизғин қўллаб-қувватлади. Шу тариқа мамлакатларимиз учун яна бир халқаро тузилма доирасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий кенгашининг Бokuда ўтган еттинчи саммити олдидан Тошкентда Туркий тилли давлатлар ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форуми ташкил этилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли дўстона муносабатлар изчил

ривожланмоқда. Барча даражадаги мулоқотлар кескин фаоллашди. Ўзбекистон ва Туркия халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Худудлараро алоқалар жадал тус олди. Тошкент ва Анқара, Самарқанд ва Истанбул ўртасида амалий ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан биридир. Кейинги йилларда қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити самарасида турк бизнеси вакиллари юртимиздаги фаолиятини кенгайтди. 2019 йилда ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Айни пайтда Туркия билан 500 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бундан уч йил олдин 20 миллион доллар ҳам бўлмаган. Ўтган йилнинг ўзида қўшма ширкатлар салкам 500 тага кўпайиб, қарийб 1 минг 300 тани ташкил этмоқда.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Жумладан, 2019 йилда автомобилда юк ташиш 33 фоизга, темир йўлда 17 фоизга, ҳаво қатновлари орқали 42 фоизга ошди. Бугунги кунда Истанбулда Тошкент ва Самарқандга парвозлар амалга оширилмоқда. Келгусида Бухоро шаҳрига ҳам парвозлар режалаштирилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматлараро комиссияси иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, худудлар ва тармоқлар ўртасида ҳамкорликни мустақамлашга кўмаклашмоқда. Айни пайтда икки мамлакатда қайридорғир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ мuddатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Музокарада ўзаро манфаатли имкониятларни ишга солиш, янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилишларини мунтазам ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Туркия ривожланган тўқимачилик саноати билан ҳам машхур. Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари билан тўқимачилик корхоналари ташкил этиш ва етиштириладиган пахта тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулот учун сертификатлашни жорий этиш ва жаҳон бозорига йўналтириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Эге, Окан ва Истанбул техника университетлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Учрашувда транспорт алоқаларини кенгайтириш, Туркия орқали Европага мультимодал халқаро ташувларни йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди. Интенсив боғдорчилик, балиқчилик, чорвачилик, наслчилик йўналишларида Туркиянинг илғор тажрибасини ўзлаштириш, университетлар ва илмий марказлар билан қўшма тадқиқотлар олиб бориш масалаларига тўхталиб ўтилди.



КУН НАФАССИ

«Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини жорий йил 28 февраль кунини чакориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг Аxbорот хизмати

Генерал-майор Азизбек Икромов Ички ишлар вазирлигида ўз лавозим ва вазифаларини сақлаб қолган ҳолда, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўринбосари вазифаларини ҳам бажаради.

Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати

Эльмира Боситхонова Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди, Соҳибжон Турдиев ҳам янги вазирликда вазир ўринбосарига айланган.

Ботир Париев Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ўринбосари лавозимига тайинланди.

Ўлмасжон Мамадаинов Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига тасдиқланди.

Баҳодирбек Муллаханов Тошкент вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, иқтисодий ва тadbиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

Шухрат Ҳакимов Тошкент вилояти ҳокимининг капитал қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Илҳомбой Худойбергенов Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи лавозимига тасдиқланди.

Одилхон Рустамов номзоди Тошкент тумани ҳокими лавозимига тасдиқланди.

Пойтахтимизда «Uzbekistan Airports, Aviation & Logistics Forum» (UAALF-2020) халқаро авиация форуми иш бошланди.

Февраль ойи бошида коронавирус ўчоғи ҳисобланган Хитойнинг Ухан шаҳридан олиб келинган 84 киши учун карантин мuddати тугади ва уларга жавоб берилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Ислохот
Шу йилнинг 18 февралда «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди. Унга биноан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Янги вазирлик тизимда қандай ўзгариш ясайди?

А длия вазирлигида ушбу фармон бўйича ўтказилган матбуот анжуманида вазирликнинг вазифалари, фаолият йўналиши ва ваколатлари бўйича маълумотлар берилди.

ВАЗИРАЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Фармонга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда «Маҳалла» ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот маркази негизда «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, вазирлик тузилмасига ўтказилади.

Маълумот ўрнида, Хотин-қизлар қўмитаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раҳбар органларининг ушбу ташкилотларни тугатиш ҳақидаги қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги «Нуроний» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) бўлимларини тугатиш ҳақидаги қарорлари қабул қилинди.

Янги ташкил этилган вазирлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали жойларда муаммоларни ҳал қилишини яхлит ва таъсирчан тизимини шакллантириш кўзда тутилган.

Вазир – «Маҳалла» жамғармасига, вазирнинг биринчи ўринбосари – «Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш» жамоат фондига, Кексалар ва фахрийлар бўйича ўринбосар «Нуроний» жамғармасига раислиқни ҳам бажаради.

Фармонга кўра, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги оила, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Қолаверса, вазирлик хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга маъсул ҳисобланади.

Вазирликнинг ҳудудий бўлимлари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари – Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши раислари, ҳудудий бўлимлар бошлиқларининг тегишли ўринбосарлари – Нуронийлар жамоатчилик кенгаши раислари этиб белгиланади.

ЎЗГАРИШЛАР НИМАЛАРДА АКС ЭТГАН?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган 46 турдаги ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган 13 турдаги вазифа ва функциялар қисқартирилди.

Қайд этилишича, эндиликда фуқаролар йиғини раиси беш йил мuddатга сайланади. Лекин ҳозир сайланган раислар фаолиятини кейинги сайловга қадар давом эттиради.

Профилактика инспекторлари лавозимларига эса қоида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар тайинланади.

Фармонга мувофиқ, ҳар бир маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим жорий этилади.

Маҳалла институтининг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрни инobatта олиниб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 22 март – «Маҳалла тизими ходимлари кунини» деб эълон қилинди.

Бундан ташқари, Фуқаролар йиғинларига тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан «Ҳар бир оила – тadbиркор» дастури, «Хунармандчиликни ривожлантириш дастури», «Yoshlar – kelajagimiz» дастури асосида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Аъзам АБУЛҲАЙДОВ, «ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг... >>>

МЕҲНАТИ ҚАЛОЛ, МУҲОФАЗАСИ

ёхуд қурувчиларга қўлай иш шароити қачон яратилади?

Азиз газетхонлар!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляпсизми?

Тахририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида «**Муштарий гуруҳи**» каналини ташкил қилди. Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – t.me/Ishonchmurojaat орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, тахририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Шунингдек, мурожаатлар **+99871 256-87-73** телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

Ўзбекистон – Туркия: ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

41 Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда маданий-гуманитар тадбирлар, турли фестиваллар муҳим ўрин тутди. Туркия маданияти ва санъати вакиллари Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этди. Шунингдек, турк амалии борасида ва фольклори намоёндалари юртимизда илк бор ўтказилган Халқаро мақом санъати анжумани, Хунармандчилик фестивалида ҳам ўз санъати ва маданияти намуналарини тақдим этди.

Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Бу кенгаш икки томонлама муносабатлар тарихида янги мулоқот форматидир. У 2018 йили давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотида мувофиқ тузилган. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон ва Туркия Президентлари ҳамраислигида олиб боради. Сиёсат, хавфсизлик ва мудофаа, савдо ва иқтисодий, инвестиция, туризм, энергетика, транспорт ва транзит, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, маданият, таълим, фан ва техника, инновациялар, соғлиқни сақлаш ва бошқа ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

Ўзбекистон билан Туркия ҳамкорлиги, айниқса, охиригача уч йилда анча фаоллашди. Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябр ойда Туркияга ҳамда Режеп Таййип Эрдоғоннинг 2018 йил апрелда Ўзбекистонга давлат ташрифлари ўзаро сиёсий ишонччи мустаҳкамлаб, самарали ҳамкорликка кенг йўл очди.

Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши дўстона алоқалар тарихида янги саҳифа очгани, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармовий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларга оид кўплаб масалалар атрофида муҳокама қилинганлигини таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ўтган йили Бухоро давлат тиббиёт институтида халқаро факультет ташкил этилиб, 131 талаба ўқишга қабул қилинганлиги қайд этилган. Туркия билан ҳамкорликда бундай кўшма таълим даргоҳларини кўпайтириш, худудларда тиббиёт даражасини ошириш ва аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббий туризмни ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматларо комиссияси ҳамраислари эришилган натижалар тўғрисида мазкур кенгашга доимий ахборот киритиб боради. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги кенгашининг мувофиқлаштирувчи органлари ҳисобланади.

Икки давлат раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши ва яратилган шарт-шароитлар натижасида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

– Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласи мулоқотимизнинг марказий мавзуларидан бири бўлди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан қиймати бир миллиард доллардан ортиқ бўлган янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бу жараёни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олдик, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентлар Ўзбекистонда онкогематология, кардиожарроҳлик, офталмология йўналишларида замонавий кўшма клиникалар ва диагностика марказлари ташкил этиш, кичик бизнес, тўқимачилик каби йўналишларда кўшма таълим дастурларини амалга ошириш, кластерлар учун мутахассислар тайёрлаш тақлифи юзасидан фикр алмашилди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон давлатимиз раҳбарини ташриф билан қўллаб, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнулигини билдирди. Туркия ва Ўзбекистоннинг кўшма лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Икки давлат раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши ва яратилган шарт-шароитлар натижасида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

– Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласи мулоқотимизнинг марказий мавзуларидан бири бўлди. Туркиянинг етакчи компаниялари билан қиймати бир миллиард доллардан ортиқ бўлган янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Бу жараёни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олдик, – деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги йилларда Туркиядан сайёҳлар оқими икки баробар ошди. Жумладан, ўтган йили 64 минг туркиялик сайёҳ мамлакатимизга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз делегациясига кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва чекисиз ҳурмат учун Туркия раҳбари ва халқига ташаккур изҳор этди.

Шавкат Мирзиёев Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Режеп Таййип Эрдоғонни Ўзбекистонга таклиф қилди.

Маърифий исломни тарғиб этиш, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида биргаликда тадбирлар ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи доирасида шу кунги Анқара шаҳрида Олий даражадаги Ўзбекистон –

– Бу учрашув стратегик шериклигимиз юксак босқичга кўтарилганлигини яққол ифодасидир. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг яқин йилларда беш миллиард долларга етказишга қаратилган устувор вазифаларни бажаришда ҳам ушбу кенгаш, албатта, муҳим замин бўлади. Биз бугунги йиғилиш натижаларини мустаҳкамлаб, келгуси йили бўлиб ўтадиган учрашувини кун тартиби ва ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишлари ҳақида ҳозирдан ўйлашимиз мақсадга мувофиқ, – деди давлатимиз раҳбари.

Музокараларда мамлакатларимиз ҳамкорлигига оид барча масалалар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги асосий вазифалар ҳамда кўшма лойиҳалар келишиб олинди.

– Қардош халқларимиз тараққиёти, тинч ва фаровон ҳаёти йўлида ривожланиб бораётган анъанавий дўстлик, кенг қамровли ҳамда истиқболга мўлжалланган ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятларимизни сафарбар этишга тайёрмиз. Айнан шу тамойиллар мулоқотимиз якунида имзоланган Қўшма баёнотда ўз ифодасини топди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жиззах вилояти

Сўнгги йилларда вилоятда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида Жиззах шаҳрида бир неча истироҳат боғлари барпо этилди. Бу масканларда болалар майдончалари, турли аттракционлар, салқин ичимликлар дўкони, кутубхоналар, умумий овқатланиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Санашда яна давом этиш мумкин. Бироқ... истироҳат боғларидаги кўнгилсиз ҳолатларни кўриб, кишининг қалби ўртанади...

Бундан бир неча йил илгари Жиззах шаҳрида бармоқ билан санарли истироҳат боғлари мавжуд эди. Шу боис, кўпчилик фарзандларини Самарқанд ёки пойтахтдаги дам олиш масканларига олиб борарди. Бироқ, бундай шароитни ҳамма оила бошлиқлари ҳам яратиб беролмасди...



КўНГИЛОЧАР МАСКАНДАГИ КўНГИЛСИЗЛИКЛАР...


ёҳуд корхонадаги иш нормасининг тарбияга алоқаси хусусида

Масалан, шаҳардаги «Ўрда» экологик боғи нафақат истироҳат ва дам олиш, балки Ватанимиз тарихи, халқимизнинг миллий озодлик ҳаракатлари, ўтган асрнинг бошида бўлиб ўтган Жиззах кўзғолони билан бевосита боғлиқ тарихий, маданий, маърифий маскан ҳисобланади. Шунинг учун бу жой кейинги ўттиз йилда икки бор қайта ободонлаштирилди. Биринчи марта 2008 йилда катта ҳажмда қурилиш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Боғ 2019 йилда қайта реконструкция қилинди. 10 миллиард сўм маблағ эвазига боғ майдонида унинг тарихий иншоотларига, экологиясига зарар етказмаган ҳолда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Боғни замонавий шаҳар-созлик талаблари асосида реконструкция қилишда тарихий иншоотларни, экологик хилма-хиллигини сақлаб қолтириш алоҳида эътибор берилди. Худуддаги тарихий обида ва дархлар муҳофазатга олинди. Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус асосида боғ худудида маънавий-маърифий масканлар барпо этилди. Вертолёт, самолёт макетлари ҳам ана шу мажмуанинг бир қисми ҳисобланади.


ган ойналари, тирнаб ташланган ўтириқлар, ўриндиқларга турли сўзлар ёзилганини кўрган кишининг дили беихтиёр хира тортади. Ачинарлиси, бу каби «бузғунчилик»ка вилоятдаги бошқа истироҳат боғларида ҳам дуч келдик. 2017 йилда Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан давлат арбобининг бюсти ва унинг қаршисида сўлим боғ яратилди. Хиёбонга яқин жойда Ҳамид Олимжон ва Зулфияноним ҳайкали ва чиройли боғ барпо этилиб, ма-

данлий-маърифий масканга айлантирилди. Бироқ... Яна юқоридаги манзара. Гушадаги ўриндиқлар абгор ҳолатда ёки синдирилган. Чикинди идишлари тўла. Айримлар бу ерга турли хил ёзувларни ёзиб, ўзларича ишқий кечинмаларини тарихга муҳрламоқчи бўлган... Ҳозир ота-оналарнинг аксарияти болалар тарбиясига вақт ажратмайди. Иши кўпчилиги вақт қилади. Бу эса ёшларимиз маънавиятини аҳён-аҳёнда ўтказиладиган ҳайкали тадбирлар билан шакллантириб



Муқимбой ИСМОИЛОВ, «Ishonch»

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари:



Тошкент шаҳри
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги 17-оилавий поликлинника касба уюшмасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Фаолиятнинг долзарб йўналишлари



Унда поликлиника касба уюшмаси раисининг 2015-2020 йилларда касба уюшма кўмитаси амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботи тингланди. Янги сайланган таркиб зиммасига бугун жуда катта масъулият юкланди, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси Гулноза Тошпўлатова. – Чунки улар келгуси 5 йил давомида янги қабул қилинган «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонун асосида касба уюшмаларининг ўрни, бошланғич касба уюшма ташкилотлари раислари ва аъзолари учун яратилган имкониятлар,

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Сирдарё туманидаги 12-мусиқа ва санъат мактаби касба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши очик-ошкора руҳда ўтказилди. Унда туман бошланғич касба уюшма кўмитаси раислари ҳам иштирок этди.

Очиқ-ошкора руҳда

Ҳисобот даврида муассаса ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, қўлай меҳнат шароитлари яратиш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этишда муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Алижон МАМАРАСУЛОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Қашқадарё вилояти

Муфассал фикрлашиб олинди

Қашқадарё уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасида Жамоа шартномаси бандларининг 2019 йилда бажарилиши ва ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда бошланғич касба уюшма кўмитасининг амалга оширган ишлари ҳақида муфассал сўз юритилди. Меҳнат шартномасининг тузилиши ва бекор қилиниши, меҳнат қонунчилигида алоҳида тоифадаги ходимлар учун белгиланган имтиёзлар, меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари ва бунда

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»

Оғриқ тишлар...

«Босмачилик»

Ҳақида та қисқа қайд



Сергей АБАШИН, тарих фанлари доктори, этнолог ва антрополог

Муаллиф ҳақида: Сергей Абашин – Санкт-Петербургдаги Еврона университетининг антропология факультети профессори, Марказий Осиё тарихи бўйича бир неча китоб ва ўнлаб илмий монография ва мақолалар муаллифи.

минтақавий вазиятлари кўп бўлган. Фарғона водийсидаги қаршилик ҳаракати, асосан, жамиятдаги камчиликни ташкил этувчи муштамлақачилар кўлида бўлган минтақавий ҳарбий маъмурияти билан Туркистон ўлкаси ва Туркистон Республикаси бошқарувида узоқ вақт маҳрум бўлган маҳаллий мусулмон элита ва аҳолиси ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб юзага келган эди. Ушбу қаршилик ҳаракатининг сиёсий шiori Россия Федератив Республикаси таркибидида минтақанинг мухторияти мақомини ошириш, жумладан, унинг маданий, тил ва диний ўзига хослигини сақлаб қолтириш ҳамда аҳолининг барча гуруҳлари ўртасидаги ҳокимиятни мутаносиб равишда тақсимлаш бўлган.

Исёнчилар етакчилари кейинчалик – ҳарбий қарама-қаршилик авж олгандан сўнг Туркистоннинг тўлиқ мустақиллик ҳолатини илгари сура бошлади. Бухородаги қаршилик ҳаракатининг сабаби бутунлай бошқа, яъни большевиклар қозғоғи бўлса ҳам, мустақил мамлакат – Бухоро Амрлигига кам сонли тараққийпарвар бухороликларга ёрдам қилиш, қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш ва давлатни тез орада соғалтириш баҳонаси билан ҳарбий босқин уюштиргани бўлди. Бундай вазиятда шўроларга қарши кўзғол амирлик мустақиллигини тиклаш, диний ёки миллий шаклдаги ўз ислохот йўли ва тузумини танлаш ҳуқуқини талаб қилаётган – бу ички мунозаралар мавзусига ҳам айланган эди. Кейинчалик инсургентлар – қуролли кўзғолон иштирокчиларининг маълум қисмида пантуркизм бирдамчилиги таянган янги давлат барпо қилиш ҳолати пайдо бўлди, лекин етакчи гояга айланмади. Хива хонлигида эса ушбу қаршилик ҳаракати дастлаб аҳолининг турли гуруҳлари ва элитага қарши ҳокимият учун ўзаро курашдан ўсиб чиқди, сўнгра Оқ гвардия муҳофизати таъсирида большевиклар билан курашга айланиб кетди. Айни ҳолатда сиёсий жиҳатдан идрок этилган дастур деярли йўқ эди, демак ҳам бўлади.

Бошқача айтганда, шўроларга нисбатан қаршилик ҳаракати минтақавий ўзига хосликларнинг шундай энг умумий ва схематик манзарасида ҳам фақат «босмачилик» ни эмас, келиб чиқиши, таркиби, динамикаси ва мақсадлари турлича бўлган ҳар хил минтақавий оқимлар ёки талқинларни кураши.

Қаршилик ҳаракати билан боғлиқ мана шу турли талқинлар соломаси ҳам бир-биридан фарқ қилади. Хивадаги ҳаракат туркманлар йўлбошчиси Жунайдхоннинг (Муҳаммад Курбон) Хива хони билан кураши қилиб кетган XX асрнинг инқилобиди 10-йилларга бориб тақалади. Ушбу ҳаракат унинг 1917-1918 йилларда ҳокимият тепасига келиши, аксилшўро ҳаракатлари билан муносабат ўрнатиши, Қизил армиядан енгиллиги, дастлаб Туркманистон Республикасининг бориш қийин бўлган чўл ҳудудида, кейинчалик 1920-1930 йиллар давомида Афғонистондан туриб, ҳарбий амалиётлар ўтказишга уринишлар каби босқинчиларни босиб ўтди.

Бухородаги қаршилик ҳаракати кейинроқ – 1920 йилдан, яъни Бухоро амири Олимхон тахтдан четлатилгандан сўнг бошланди. Энг қақшатқич жанглар 1921-1922 йилларда амирликнинг шарқий ҳудудида (ҳозирги Тожикистон жанубида) авж олиб кетди, аммо

Зикр этилган мураккабликни кўриш учун биз Марказий Осиёдаги шўроларга қаршилик ҳаракатига бир хил мақсадларнинг доимий йиғиндиси мавжуд бўлган бир хил ҳаракат деб қарашни бас қилишимиз лозим.

Воқеаларнинг ўз мантиғига эга бўлган турли жумладан, 1922 йилларда амирликнинг шарқий ҳудудида (ҳозирги Тожикистон жанубида) авж олиб кетди, аммо

Зикр этилган мураккабликни кўриш учун биз Марказий Осиёдаги шўроларга қаршилик ҳаракатига бир хил мақсадларнинг доимий йиғиндиси мавжуд бўлган бир хил ҳаракат деб қарашни бас қилишимиз лозим.

Воқеаларнинг ўз мантиғига эга бўлган турли жумладан, 1922 йилларда амирликнинг шарқий ҳудудида (ҳозирги Тожикистон жанубида) авж олиб кетди, аммо

ҳаракат ҳарбий мағлубиятга учради. Шундан сўнг кўзғолончилар етакчилари – улар орасида Иброҳимбек ажралиб турар эди – Афғонистонга ўтиб кетди ва шўролар ҳудудида босқинлар уюштира бошлади, шу билан бир қаторда, афғонлараро можарога ҳам қўшилиб турди. Ушбу амалларнинг фаол босқинчи 1931 йилда шўролар ҳудудида босқинчи Иброҳимбек қўлга олиниб, отиб ташланган, ниҳоят сига етди.

Ниҳоят, Фарғона водийсидаги исёнчилик ҳаракати 1916 йилдаги мустақилликларга қарши кўзғолон вақтида вужудга келди. Дастлаб ҳар хил ва маҳаллий кўри-нишда бўлган ҳаракат аста-секин сиёсий жиҳатдан шакллана борди ва 1919 йили Мадаминбек (Муҳаммад Амин) бошчилигида нисбий бирдамликка эришди, аммо у большевиклар билан битим тузиб, сирли улим тоғча, яъна таназзулга юз тутта бошлади. 1920-1923 йилларда кўп ҳарбий қурбонлар бериб, барҳам топди. Фарғонанинг катта таъсир кучига эга сўнги кўрбоши Кўр Шермат (Шермуҳаммад) Шарқий Бухорога, сўнгра Афғонистонга ўтиб кетди, унинг ўша ёқдан кўп йиллар – XX асрнинг 40-йилларига қадар Марказий Осиёдаги қаршилик ҳаракатининг маҳдуд тармоғини бордай қилиб кўрсатишга уринишлари бесамар кетди.

Албатта, ушбу ўта умумий тарзда чизилган минтақавий траекториялар ўзаро кесилган ҳамда қисман ички ва ташқи алоқалар, мувофиқлаштиришга уринишлар натижасида синхронлашган ҳам эди. Бу алоҳида таҳлилни талаб этади, аммо шунга қарамай, уларнинг ҳар бирида муваққат изчиллики, бинобарин, ривожланиш мантиғини кўрмаслик мумкин эмас.

Гарчи мен олдинги қайдимда Марказий Осиёдаги шўроларга нисбатан қаршилик ҳаракати тарихидаги асосий номларни келтирган бўлсам-да, унда қатнашган кишилар сони ҳамда таркиби анча кўп ва ранг-баранг эканини ҳам айтиб қўйишим лозим.

Ҳар бир минтақада бир неча ўнлаб кўзғолончилар отрядлари бўлган, уларнинг етакчилари мансаблари катта-кичиклиги нуктаи назардан қандайдир ўзаро муносабатда бўлган бўлиши мумкин, бироқ, аксарият ҳолларда маҳаллий вазиятдан келиб чиқиб, мустақил тарзда иш кўргани аниқ.

Кўплаб кўрбошилар бир-бири билан рақобат қилган, ҳокимият учун бундай кураш қўлчан шўролар ҳокимиятига қарши умумий курашдан ҳам қақшатқичроқ бўлган.

Доимий тарзда ушбу отрядларни ягона бошқарув остида бирлаштиришга уринишлар бўлиб турган. Бу иш Хоразмда (Хива хонлигида) Жунайдхон қаршилик ҳаракатининг асосий раҳбари бўлган кезлар узоқ вақт у ёки бу тарзда муваффақиятли амалга оширилган. Фарғона водийсида марказлаштиришга уринишлар қисқа вақт Мадаминбек оқори лавозимини эгаллашига сабаб бўлди, у Фарғона муваққат ҳукуматини тузиб, унга раҳбарлиқни ўз зиммасига олди. Кўрбоши, умуман олганда, турли кучлар билан иттифоқ тузишга ва ҳатто большевиклар билан музокара қилишга ҳо-зи бўлса-да, инсургентларнинг ҳаммаси ҳам унга эргашishi тайёр эмас эди. Собiq сафдошлари кўлида ҳалок бўлгани гумон қилинган Мадаминбекдан сўнг зикр этилган Кўр Шермат шундай йўл тутишга уринди, аммо у большевикларга нисбатан ўта муросасиз эди, аммо Афғонистонда яшаб турганининг сўнги йилларида шўролар махсус хизматлари билан мулоқот қилган, деган шубҳа ҳам бор. Шарқий Бухорода эса номи зикр этилган Иброҳимбек кўзғолончилик ҳаракатида етакчиликка даъво қилаётган бошқа етакчи – турк сиёсатчиси, Усмонлилар империясидаги «Еш турклар» ҳаракати вакили Анвар пошо билан очиқ зиддиятга киришган. У маҳаллий дохийларнинг консерватив қарашларидан фарқли ўлароқ, Марказий Осиёнинг сиёсий келажагига оид ўз дастурини таклиф қилаётган эди.

Қаршилик ҳаракатининг чўққисидида консерватив ва ислохотчи ислом, миллий социализм ва оддий миллатчилик, республикачилик ва монархизм сингари турли мафқуралар рақобат қилган бўлса, нисбатан кўли даражаларда маҳаллий манфаатлар ва идаоалар, у ёки бу ресурс учун кураш, ўч

олиш ёки гуруҳ бўлиб содиқ бўлишнинг қандайдир тасодифий ҳолатлари юзага чиқа бошлади. Босмачилик дея аталувчи ҳаракатда, бошқача қилиб айтганда, турлича қараш ва иштиёққа эга бўлган кишилар иштирок этган ва уларга бир-бирига мутлақо зид бўлган «миллий озодлик» ёки, дейлик, жиҳод сингари бирорта мафқура ёрлигини ёпиштириб бўлмади. Бинобарин, барча даражаларда, барча минтақаларда ва турли босқинчиларда оддий тарафдорларни шўроларга муҳолиф бўлган отрядларга сафарбар қилишда жуда кўплаб широрлар ва ваъдалардан фойдаланилган, бунга яна улкан ижтимоий маҳумлик, оммавий очарчилик ва маҳрумликлар, большевиклар ва иттифоқчиларнинг муваффақиятсиз, ҳато ва ҳатто жиноий қарорлари билан боғлиқ тарзда маҳаллий жамоатларда вужудга келган норозиликлар ва кутималар йиғиндиси ҳам сабаб бўлган. Большевикларнинг ўзи айни ҳолатни яқини англади.

Ушбу факт қаршилик ҳаракатини, дейлик, руслар билан мусулмонларнинг қарама-қаршилиги деган бир схемага солувчи содда-далаштирилган талқинни эмас, бутун зиддиятлари, чиғалликларини ўша ва таҳлил этишни талаб қилади.

Марказий Осиёдаги шўроларга қаршилик ҳаракатини ўрганишнинг асосий масаласи ўша йилларда рўй берган воқеаларда бир-бирига қарши турган томонларни ўзаро ажратиб турувчи кескин мафқура чизикларини ўртадан олиб ташлашдан иборатдир. Биз мусулмон кўзғолончилар етакчилари большевикларга қарши бошқа кучлар, жумладан, муштамлақачилардан иборат бўлган ва сафларига Чор Россияси зобитлари, амалдорлари ва мутахассисларини оммавий тарзда жалб қилган Фарғона Деҳқонлар армияси билан жон-жон деб ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузганини эса олишимиз керак. Совет ҳокимиятига қарши бўлган маҳаллий кишилар ўз ресурслари ва фаолияти қонунийлигини баҳам кўриши мумкин бўлган адмирал Колчак ҳукумати ва большевикларга қарши бўлган бошқа муҳолиф кучлар билан иттифоқчилик муносабатлари тузишни истисно қилмаган.

Яна бир нарсани эса олишимиз керакки, қаршилик ҳаракатининг кўплаб етакчилари большевиклар билан нафақат таслим бўлиш, ҳаттоки Қизил армия сафларига кириш ҳамда шўролар режими ичида ўзининг қандайдир ташкилий ва сиёсий автономлиги – мухториятини сақлаб қолиш ҳусусида музокара олиб борган. Бундай келишувларнинг энг машҳури Фарғона ҳукумати бошлиғи Мадаминбек билан Туркистон fronti раҳбарлиги ўртасида 1920 йилда тузилган, аммо жуда кам вақт амал қилинган шартнома бўлган эди. Яна бир ёрқин воқеа большевикларнинг 1920-1921 йилларда Анвар пошо билан фаол ҳамкорлик қилгани, уларнинг бир-биридан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринишлари бўлган эди. Айни ҳолатлар чегараларнинг бўлиниши, қарама-қаршилик ва Анвар пошонинг 1922 йилда Шарқий Бухорода ҳалок бўлиши билан ниҳоят сига етди.

Ниҳоят, биз маҳаллий фаоллар ва аҳолининг анча-мунча қисми янги ҳокимиятни ўша вақтнинг ўзидаёқ тан олгани, большевиклар билан фаол ҳамкорлик қилгани, шўролар милицияси ва Қизил армия сафларини тўлдиргани, совет бошқарув муассасаларига ишга киргани ва уларда етакчи лавозимларни эгаллаганини тан олишимиз керак. Ушбу шўролар режими ичидаги совет мусулмонлари маҳаллий мусулмон аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишга интилан, кўзғолончилар билан мурося йўлини таклиф этган эди, улар билан маҳдуд мулоқот қилиб тургани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Марказий Осиёдаги советларга қарши кўзғолончилик ҳаракатини ўрганаётганда, уни алоҳида ҳодиса сифатида ажратиб олиб кўриб чиқиш эмас, ўша даврда рўй берган воқеаларнинг умумий кон-

текстини тушуниб олиш зарур. Марказий Осиёдаги ҳарбий турли бўлақлари ўртасидаги можаролар бўш жойда эмас, Россия империяси ҳудудида ташқи аралашув аломатлари бор, кенг қамровли фуқаролар уруши шароитида ривожланган эди. «Босмачилик» сифатида машҳур бўлган қаршилик ҳаракати билан бир қаторда, яна кўплаб шўроларга қарши ҳаракатлар, масалан, совет режими ичида ҳам рўй бераётган эди. Бунга 1919 йилда Тошкентда рўй берган Осипов исёни ёки 1920 йилдаги Верний гарнизонидаги исён сингари қақшатқич курашни мисол қилиб келтириш мумкин. Кавказ минтақасида муштамлақачилар ва туркманлардан иборат советларга қарши ҳукумат ташкил топган ва ингилларнинг, кейинчалик Деникиннинг ҳарбий кўмағига таянган эди. Етисув минтақасида Совет ҳокимиятига қарши Дутов, сўнгра Анненков отрядлари ҳаракат қилган, улар ўз томонига маҳаллий мусулмонларни ҳам оғдириб олишга интилган эди. 1918-1919 йилларда Колчак тарафида урушган, сўнгра большевиклар тарафида ўтган бошқирда ва қозоқларнинг автоном ҳаракатлари (Алаш-ўрда) Марказий Осиёдаги қаршилик ҳаракати траекторияси бўлиб ривожланди. Большевикларга қарши исёнчилар ҳаракатининг ташкил топши жараёнини Доғистонда ҳам ўта чалқаш мафқуравий, диний ва сиёсий лойиҳалари ҳамда минтақавий уруғ-аймоқчилик зиддиятлари, доимий тарзда бир лагердан бошқасига ўтиб юрувчиларнинг турли коалициялари, ўша вақтдаги бирор-қон томонга қўшилиш пайдида бўлганлар мисолида кўриш мумкин эди. Ўша вақтда Украинада ҳам вазият шунга ўхшаш эди, у ерда Қизил ва Оқ армия билан бирга Марказий Осиёдаги кўрбошиларни эслатувчи катта ва кичик отрядлари бор кўп сонли «яшил» атаманлар ҳам урушаётган эди.

Россия империясининг таназзулга юз тутаетгани ушбу ва бошқа минтақалар билан Марказий Осиё ўртасидаги параллел ва кесилувчи ҳолатлар шунчалик кўпки, ушбу ҳодисанинг янада умумий-роқ тенденциялари – тамойиллари ва қонуниятларини муҳокама қилиш зарурати туғилади, унда босмачилик деб аталувчи ҳаракат умумий манзаранинг кичик бир бўлагини ташкил этади, холос.

Юқоридида зикр этилган фикрларнинг барчаси мени яна битта – сўнги қайдни ёзишга ундамоқда. У «Босмачи» ёки «Босмачилик» атамасига тегишли. Бу атамалар Туркистон ўлкасида шўроларга қарши ҳаракат юзага келишидан анча олдин юзага келган ва оддий босқинчилар тўдасини англаётган эди. Совет ҳокимияти ушбу атамани ўша салбий маъноси билан ўз рақиблирига қарши ишлатадиган бўлди. Ҳатто инсургентлар ўртасида чин маънодаги босқинчилар бўлса ҳам – улар ҳатто большевиклар орасида ҳам бор эди – барча қаршилик ҳаракатини академик – илмий нуктаи назардан тавсифлаш учун бундай таъриф ноаниқ, архаик ва аввалбошдан бирёқлама бўлиб келган. Юқоридида қайд этганимдек, бу давр мураккабликлари ва мантиғини илғаб олишга ҳалқит беради.

Ушбу салбий атамаларни кенг қўлдан ва ўзига маъқул кўрган тарзда қўлашдан воз кечиш, уларни «исёнчилар», «қаршилик ҳаракати иштирокчилари», «инсургентлар» сингари нисбатан бетаъриф сўзлар ва иборалар билан алмаштириш вақти етди. Айни чоғда, «Босмачилик» атамаси аллақачон илмий адабиётта ва жамоатчилик онгига кириб боргани ва ўзига хос брендга айланганини ҳисобга олиб, мен уни кўштириш ичида ёки «...деб аталувчи» деган аниқлаштирувчи сўзлар билан қўлаш лозим, деб ҳисоблайман.



Анвар пошо



Кўрбоши Шермуҳаммад



Мадаминбек ва Қизил армия отрядларининг қўшма пароди

Қоғоз қоғға ёзилган шеър

ёхуд камтарин ва донишманд шоир Матназар Абдулҳаким ҳақида

1996 йил май ойи эди. Баҳаво кунлардан бирида тоғ қўйнига дам олишга чиқдик. Таниқли санъатшунос Отаназар Матқубов, санъат ва адабиётнинг ашаддий муҳлиси Нейматулла Худайбергандон ҳамда ёши элликларга яқинлашган киши сафимизга қўшилди.

Отаназар ака нотаниш йигитни хоразмлик шоир ва таржимон Матназар Абдулҳакимов деб таништирди. Бу киши даврада ўзини тутиши, кам-сукум, камтар, айни вақтда сермулоҳаза одам сифатида таассурот қолдирди.

Сўхбат тобора қизиқ, гап адабиётга, шеърятга такалди. Шунда Матназар ака кеча кечкурун янги шеър ёзгани, аммо у чала қолгани, ҳозирги давра сўхбати ва табиат гўзаллигидан завқланиб, кечаги шеърни хаёлан тугаллашга муваффақ бўлганини айтиб қолди.

Табиийки, биз ушбу шеърни ўқиб беришини илтимос қилдик. Шоир чиройли бир йўсинда, ҳазин овоз билан янги шеърини ўқиди.

Бу шеър, унинг мазмуни, айнан муаллиф томонидан ўқилиши, услуб ва оҳанги дарадаги кайфиятга шу қадар ҳамоҳанг эдики, ўртага бир неча муддат жимлик чўқди. Шунда табиатан шўх Нейматулла ака жимликни бузиб, дўстларимиздан бири Баҳромга юзланди: «Баҳромбой, сен доимо гитара чалиб, қўшиқлар айтиб юрасан, ма-

нави шеърни қара, қандай ажойиб, шуни ашула қилиб айтсанг бўлмайдимми?», деди ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

Бунга жавобан Баҳром «Матназар аканинг шеъри ҳақиқатан ҳам ажойиб экан, менга ёқди, шуни қоғозга ёзиб берсалар, ашула қилишга уриниб кўрардим», – деди.

Матназар ака шеърни ёзиб бераман дегач, ҳаммамиз қоғоз-қалам қидиришга тушиб қолдик. Аммо барчамиз об-ҳаво ва тоғ сайрига мос равишда енгил-епли кийимдамиз, ён-атрофда ҳам қоғоз-қалам топшининг имкони йўқ эди. Бир оздан сўнг Отаназар аканинг чўнтагидан ручка топилиб қолди. Лекин қоғоз йўқ...

Шу пайт Баҳром сал нарида турган ўзининг «Тико» машинаси юкюнасини очиб, у ердан янги, ҳали ишлатилмаган қоғоз қоғ олиб келди. Қоп ичидан гитарасини олиб, кўрпача устига қўйди ва Матназар акага узатиб «Мана қоғоз, шунга ёзиб бера қолинг», деди.

Очиғи, Матназар ака бирон баҳона билан қоғоз қоғға шеър ёзишни рад қилса керак, деб Баҳромнинг бу ҳаракатидан бироз хижолат тортидик ҳам.

Лекин Матназар ака шу қадар киришимли ва хокисор инсон эканки, кўп ўйлаб ҳам ўтирмай «Майли, йўқдан кўра ҳарна, темирни қи-

зиғида бос деганлар...» деди-ю қоғоз қоғнинг текис жойига шеър матнини чиройли дастхат билан ёзиб берди.

Бугун Матназар аканинг туғилган кўни. Афсуски, у киши ораимизда йўқ. Бу кўнда мен ҳам гал ўша воқеани эслаймаман. Тўғри сўз, бағрикенг ва айни чоғда нихоятда нозиктаб, донишманд сиймо кўз ўнгимда жонланади...

Дарвоқе, мана ўша шеър...

*Тоҳир бўлдим, дарёлар келмай қўйди,
Мажнун бўлдим, саҳролар келмай қўйди,
Қараб қўйинг қиёлар келмай қўйди,
Зулматларга зиёлар келмай қўйди.*

*Ишқда бўлдим гоҳ задалар, гоҳ шоҳлар
Бир сўз айтдинг, бўлдим минг дилсизлар.
Кўзёшимдан унган меҳрибонлар
Яшинар десам, жавзолар келмай қўйди.*

*Борлиқ тўлди шамолгамас, оҳларга,
Ишқ дарди юк бир менмас, кўп тоғларга.
Таширфиндан маҳрум бўлган боғларга
Шўх булбулигўёлар келмай қўйди.*

*Юрагимда очди минг-минг яро кўз,
Кўзларингдек йўқдир кўзлар аро кўз,*

Хотира уйғонса гўзалдир...



Остонамдан оёқ уздинг, қароқўз,
Денгизларга дарёлар келмай қўйди.

*Менмасмидим энг муҳтож, энг керагинг,
Кимга айтиб, кимдан сўрай дарзинг.
Келмай қўйди юрагимга юрагинг,
Дунёларга дунёлар келмай қўйди.*

Пўлат НАЗАРОВ,
ҳўқуқшунос



ISSN 2010-1002 2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улугбек ЖАЛМОНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари-
«Ishonch-Доверие» бўлича),

Меҳридин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб -
«Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг фармон
ва қарорлари, энг сўнгги
англиклар, таҳлилий,
танқидий мақолалар,
хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз
мумкин.

Ҳўдудлардаги муҳбирлар:
Қарақўл тумани
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-34
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навотий вилояти – (+998-99) 889-90-24
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда
манба сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят
фурқани назаридан
нақдлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов
Мусаҳҳиллар:
С. Шодибева,
З. Холмухаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов

ЎЗА яқини – 03-15
Тўпширилди – 03-50

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Ғ – 217.
30688 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5
Манзилмиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яншибод филиали,
банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг таълим тизimini ривожлантириш, ўқувчиларга замонавий талабларга мувофиқ таълим беришга қаратаётган алоҳида эътибори биз педагог-ўқитувчиларни мамнун этмоқда.

Эътибордан мамнунмиз

Юнусобод туманидаги инглиз тилига ихтисослаштирилган 17-умумтаълим мактабда ўқувчиларга жаҳон стандартларига мос равишда таълим-тарбия бериб келинади. Мактабда иккинчи чет тили сифатида немис тили ўқитилади. Ҳар бир фан бўйича тўғараклар мавжуд, «устоз-шоғирд» тизими фаол ишлайди. «Келажакда ким бўлман», «Мен танлаган касб» каби мавзуларда ўз соҳасининг етуқ мутахассислари билан сўхбатлар уюштириб турилади. Таълим-тарбияда оиланинг ўрни муҳимлиги эътиборга олинди, Ота-оналар назорат кенгаши тузилган.

Мактабимиздаги ўзбек, рус, инглиз тили ўқитиладиган синфлар техник жиҳатдан яхши жиҳозланган. Кутубхона ҳам ҳавас қилгулик даражада.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Замонавий мактабларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, табиийки, бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришни тақозо этади. Айниқса, ўқувчиларни мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳияти билан тереңроқ таништириш, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш бош мақсадимизга айланиши даркор.

Шоҳнигор ҲУСАНОВА,
Гўлбону АРИПОВА,
Юнусобод туманидаги
17-умумтаълим мактаби
ўқитувчилари

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KOCNMAS MULK FINANS INVEST»

масъулияти чекланган жамияти такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

I. 2020 йил 10 март куни соат 11:00да ташкил қилинадиган аукцион савдоларига «O'ZBEKTELEKOM» акциядорлик компанияси Бухоро филиалининг 12.02.2020 йилдаги 51-02-24/280-сонли буюртма-хатига асосан, филиал ҳисобидати, Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган қўйидаги КТС бинолари такроран қўйилмоқда:

1-ЛОТ. Бухоро тумани «Соҳибқор» ҚФЙ, Олмазор қишлоғи манзилида жойлашган, майдони 53,5 кв.метрдан иборат «С.Едгоров» КТС биноси.
2-ЛОТ. Гиждувон тумани «Позагар» ҚФЙ, Тўқол қишлоғи манзилида жойлашган, умумий ер майдони 80,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 54,8 кв.метрдан иборат «Ибн Сино» КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 40 229 000 сўм.
3-ЛОТ. Гиждувон тумани «Пахтаобод» ҚФЙ, Сайдон қишлоғи манзилида жойлашган, майдони 61,32 кв.метрдан иборат «Пахтаобод» КТС биноси.
4-ЛОТ. Гиждувон тумани «Соктаре» ҚФЙ, Соктаре қишлоғи манзилида жойлашган, майдони 46,8 кв.метрдан иборат «Ф.Хўжаев» КТС биноси.
5-ЛОТ. Когон тумани «Беклар» ҚФЙ,

Беклар қишлоғи манзилида жойлашган, майдони 39,94 кв.метрдан иборат «З.Қобилов» КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 40 425 000 сўм.
6-ЛОТ. Қорақўл тумани «Чандиробод» ҚФЙ, Чандиробод қишлоғи манзилида жойлашган, умумий ер майдони 1404,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 133,4 кв.метрдан иборат «Янги ҳаёт» КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 45 882 000 сўм.
7-ЛОТ. Олот тумани «Жумабозор» ҚФЙ, Мухтор қишлоғи манзилида жойлашган, майдони 65,5 кв.метрдан иборат «Ф.Хўжаев» КТС биноси.

Бошланғич баҳоси – 10 362 100 сўм.
2020 йил 10 март куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 17 март ва 24 март кунлари ўтказилади.

II. 2020 йил 24 март куни соат 11:00да ташкил қилинадиган аукцион савдоларига «Агрокимёхимия» туманлараро филиалининг 18.02.2020 йилдаги 21-сонли буюртма-хатига асосан, филиал ҳисобидати, Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Работикалмоқ» МФЙ, Деҳоқи қишлоғи манзилида жойлашган, умумий ер майдони 1548,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 340,71 кв.метрдан иборат бўлган икки қаватли бионинг биринчи қаватида жойлаш-

ган Биофабрика биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 304 016 690 сўм.

III. 2020 йил 24 март куни соат 12:00да ташкил қилинадиган аукцион савдоларига «Ромитан Агросервис МТП» МЧЖнинг 18.02.2020 йилдаги 101.01.29-сонли буюртма-хатига асосан, жамият ҳисобидати, Бухоро вилояти, Ромитан тумани, «Тошработ» МФЙ, 21-уй манзилида жойлашган, қурилиш майдони 518,52 кв.метрдан иборат савдо бўлими омборхонаси биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 29 920 000 сўм.

2020 йил 24 март куни аукцион савдолари бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 31 март ва 7 апрель кунлари ўтказилади.

Аукцион савдолари Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатта қадар (байрам ва

дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан: – «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закатат пуллари тўлашлари; – жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; – юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закатат тўлови учун рекузитлар: «KOCNMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 304815549, МФО: 00452, БАНК: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, х/р: 20208000900759233001.

«Аукцион ташкилотчиси» – «KOCNMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. **Тел:** +998 90 299-82-92. **E-mail:** mkmfi@mail.ru

Лицензия № RR-0297

Аукцион савдолари хабарномаси!

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 24 март куни соат 11:00да ташкил қилинадиган савдоларга «BUKOROPARRANDA» акциядорлик жамиятининг 14.02.2020 йилдаги 16-сонли буюртма-хатига асосан жамият ҳисобидати қўйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибидан ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда:

1-ЛОТ. 1990 йилда и/ч, «КАМА3-5410» русумли, д/р 80/853 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 40 990 000 сўм.
2-ЛОТ. 1987 йилда и/ч, «ОД03-9357» русумли, д/р 80/0836 AA бўлган ярим тиркама. Бошланғич баҳоси – 10 480 000 сўм.

3-ЛОТ. 1995 йилда и/ч, «АЛКАН-13» русумли, д/р 80/0837 AA бўлган ярим тиркама. Бошланғич баҳоси – 15 100 000 сўм.
4-ЛОТ. 1990 йилда и/ч, «ГАЗ-5201» русумли, д/р 80/850 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 030 000 сўм.
5-ЛОТ. 1988 йилда и/ч, «ГАЗ-52» русумли, д/р 80/865 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 130 000 сўм.

6-ЛОТ. 1987 йилда и/ч, «ЗИЛ-130» русумли, д/р 80/864 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 300 000 сўм.
7-ЛОТ. 1988 йилда и/ч, «ГАЗ-5204» ру-

сумли, д/р 80/866 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 670 000 сўм.

8-ЛОТ. 1985 йилда и/ч, «ПАЗ-37421» русумли, д/р 80/852 JAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 10 730 000 сўм.

Аукцион савдоси Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй манзилида ташкил қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!

2020 йил 24 март санада аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2020 йил 31 март ва 7 апрель саналарида такроран ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар расмий иш кунлари 24.03.2020 йилдаги савдо учун 23.03.2020 йилгача, 31.03.2020 йилдаги савдо учун 30.03.2020 йилгача, 07.04.2020 йилдаги савдо учун 06.04.2020 йилга қадар қабул қилинади. (13:00дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан: – «Аукцион ташкилотчиси» билан закатат пули тўғрисидаги келишув шартномасини тузиб, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи

миқдорда закатат пуллари тўлашлари; – жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; – юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ёқилиб 10 кунлик муддат ичиди олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-соти шартномаси тузилганда белгиланади.

Закатат тўлови учун рекузитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, СТИР: 305300366, МФО: 00115, БАНК: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Бухоро минтақавий филиали, х/р: 20208000300842711002.

«Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки мулк билан танишиш ҳамда қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухорий кўчаси, 28-уй. (2-қават). **Тел:** (91) 414-97-00. **E-mail:** bas_savdo@mail.ru.

Гувоҳнома № 576174

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига «Кўкон пахта тозалаш» АЖ балансидаги 1988 йилда и/ч, «ГАЗ-5204» русумли (бензавоз), д/р: 40 260 ХАА бўлган юк автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 6 143 000 сўм.
Аукцион савдоси 2020 йилнинг 24 март куни соат 10:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабномалар иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади.

Талабномаларни қабул қилишнинг охириги муд-

дати: 2020 йил 23 март соат 16:00.
Талабгорлар диққатига!

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2020 йилнинг 24 март кунидида савдода сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2020 йилнинг 31 март куни соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо қилиниб, деб топилган шахста 10 (ўн) иш куни ичиди сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш

мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини закатат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ҳисобрақамига (БАНК: «Трастбанк» ХАБАНГ Фарғона филиали, х/р: 2260 4000 6003 9634 2001, МФО: 01123, СТИР: 303 054 753) га тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 7-хона. **Тел.:** +99895-402-54-75.